

Қумқўрғонда туман Халқ таълими ходимларининг 2022-2023-ўқув йили олдидан “Устозлар миллий форуми” бўлиб ўтди.



Қумқўрғонда туман Халқ таълими ходимларининг 2022-2023-ўқув йили олдидан “Устозлар миллий форуми” бўлиб ўтди.

Илғор педагоглар, таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этган тадбирда эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинди, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Туман ҳокими А.Нормаматов таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, устозларнинг жамиятдаги ўрни, кадр-қимматини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар моҳиятига алоҳида эътибор қаратиб, илм ўргатиш, ёшларга таълим-тарбия бериш улуг' фазилат эканини таъкидлади.

Тадбирда таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган фаол, ташаббускор ва изланувчан таълим фидойилари ва ютуқларни қўлга киритган о'қувчилар туман ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.